

Намоз ўқимаганларнинг гуноҳларини ёзиб турувчи қалам | Ҳадис дарслари (288-дарс)



19:00 / 27 июнь 1211

«Шарт» сўзи луғатда «аломат» маъносини билдиради.

Шаръий истилоҳда эса бир нарсанинг ҳақиқати ва моҳиятидан ташқари бўла туриб, ўша нарсанинг вужудга келиши учун лозим бўлган омилга «шарт» дейилади.

Шартлар иккига тақсимланади:

1. Вожиблик шартлари.
2. Тўғрилиқ шартлари.

Қуйидаги ҳадиси шарифда намознинг вожиб – фарз бўлиши учун керак бўлган шартлар ҳақида сўз боради.

نَعْنَعُ هَلْ لِي ضَرْبٍ لَعْنَعُ نَع
هَلْ لِي لَعْنَعُ هَلْ لِي لَعْنَعُ

نَعُ مَلَقْلَا عْفُرَ : لَاقَ مَلَسَو
يَّتَحِ مِيَّانَ لَانَعِ ؛ ثَالِث
يَبْصَلَا نَعَو ، ظِقِّي تَسِي
نُونَجْ مَلَا نَعَو ، مَلَتَحِي يَّتَحِ
دُوَادُ وَبَأْ هَاوَر . لَقِ عِي يَّتَحِ
هَحْ حَصَو مَكْ اَحْلَاو يِّيَّاسْ نَلَاو

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қалам уч (тоифа)дан кўтарилган: уйқудагидан, токи уйғонгунича, ёш боладан, токи эҳтилом бўлгунича, жиннидан, токи ақли киргунича», дедилар».

Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдаги қаламдан мурод, таклиф қаламидир. Шаръий амалларни – таклифларни бажармаган кишиларнинг, жумладан, намоз ўқимаганларнинг гуноҳларини ёзиб турувчи қаламдир.

Ушбу қалам уч тоифа одамдан кўтарилган бўлиб, улар томонидан шариат таклифлари бажарилмаса ҳам, гуноҳ ёзилмас экан.

1. «Уйқудагидан, токи уйғонгунича».

Чунки уйқудаги одамнинг ихтиёри ўзида эмас. Унда ҳушёрлик, бир нарсани идрок қилиш етишмайди. Шунинг учун у шариат таклифларини қилмаса ҳам, гуноҳкор ҳисобланмайди.

2. «Ёш боладан, токи эҳтилом бўлгунича».

Балоғат ёшидан кичик ёшдаги болаларнинг ақлий ва жисмоний камолоти бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг шаръий тақлифларни бажаришлари мажбурий эмас. Мабодо ўша тақлифларга хилоф қилсалар, гуноҳ ёзилмайди.

3. «Жиннидан, токи ақли киргунича».

Жинни одам ҳам ақли тақлиф эмас. Шунинг учун ҳам Ислолда, намознинг саҳиҳ бўлиш шартлари балоғатга етганлик ва ақлга боғлиқ, дейилади.

هُنَعُ هَلْ لَ اِي ضَرَّ رَمُعِ نُبَا نَع
هَلْ لَ ا لُ وُسَرَّ ي نَضَرَّعَ : لَ ا ق
مُ وِي مَّ لَسَوِ هَيْ لَعُ هَلْ لَ ا يَّ لَص
نُبَا ا نَا وِ لَ ا تِ قُ لَ ا ي فِ دُ حَا
مَلَفَّ ة نَسَ ة رَشَعَا عَ بَرَا
مُ وِي ي نَضَرَّعَا وِ ، ي نَزَجِي
ة رَشَعَا سَمَخُ نُبَا ا نَا وِ قَدْنَخُ لَ ا
عُ فَا نَ لَ ا ق . ي نَزَا جَا فَّ ة نَس
ذُبَعَا نُبَا رَمُعَا ي لَعَا تَمَدَقَفَا
ة فِ ي لَخِ ذِي مُ وِي وَهَوِ زِي زَعَا لَ ا

أَذَهُ نِيْلَاقَفْ ، أَذِهِبُ هُتْثَدَحَفْ
رِيْعُصْلَانِيْبُ دَحَلْ
يَلِيْبَتَكَفْ ، رِيْبَكُلْأَوْ
نَاكُ نَمَلْ أَوْضُرْفَيْ نَأْهِلْأُمُعْ
نَمَوٌ ، هَنْسَ هَرْشَعَسْمَخَ نُبَا
يْفُ هَوْلَعُجَافَ كِلَذَ نُوْدَ نَاكُ
هَسْمَخُلْأُ هَأَوْرِيْلْأِيْعُلْأُ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд куни мени урушга олиш учун кўриқдан ўтказдилар, ўшанда ўн тўрт ёшли бола эдим. Бас, менга ижозат бермадилар. Ҳандақ куни яна кўриқдан ўтказдилар, ўшанда ўн беш ёшли бола эдим. Бас, менга ижозат бердилар».

Нофеъ айтади:

«Мен Умар ибн Абдулазизнинг олдига бориб, ушбу ҳадисни унга айтдим. У ўша вақтда халифа эди. Бас, у:

«Мана шу кичик ва каттанинг орасидаги чегарадир», деди ва омилларига ким ўн беш ёшли бўлса, (шаръий таклифни) унга фарз қилиш ҳақида мактуб юборди. «Ким ундан кичик бўлса, уни аҳли аёллар ичига қўшинг», деди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ухуд урушига тайёргарлик кўрилаётган пайтда босиб келаётган хавф-хатарни бутун вужуди билан ҳис этган ўспирин мусулмон йигитлар жиҳодда қатнашиш талабида арз қилганлар. Бу ёш мусулмон болаларнинг жасорати, фидокорлиги ва дийну диёнат олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишларининг аломати эди. Ана шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни кўриқдан ўтказганлар. Кимнидир кураштириб кўриб, шерикларини йиқитса, олганлар. Кимнингдир ёшини сўраганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ўн тўрт ёшида урушда иштирок қилишига ижозат бермаганлар. Келаси йили, Ҳандақ урушида эса ўн беш ёшга тўлганлиги учун ижозат берганлар.

Шундан баъзи кишилар ўғил болаларнинг балоғат ёшини ўн беш ёш деб олганлар.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳам Нофеъ розияллоҳу анҳудан ушбу ҳадисни эшитганидан кейин вилоятлардаги ўз омилларига ўн беш ёшли ўғил болаларга катта ёшдаги эркакларнинг муомаласини қилиш, у ёшдан кичикларни эса бировнинг қарамоғида деб ҳисоблаш кераклиги ҳақида мактуб ёзган эканлар.

Лекин жумҳур уламолар: «Ўғил боланинг балоғатга етгани аломати эҳтилом бўлиш — уйқуда булғанишдир», дейдилар. Бунга аввалги ҳадис далил бўлиб, Ибн Умарга қилинган муносабат эса фавқулодда ҳолатнинг ишидир.

Қиз болаларнинг балоғатга етганлари ҳайз кўриш билан бўлади. Маълум ёшгача, яъни ўғил болалар эҳтилом бўлиб, қизлар ҳайз кўрадиган ёшга етиб ҳам балоғатга етганлик аломати пайдо бўлмаса, бошқа аломатларига қаралади. Бу аломатларнинг энг машҳури ёшдир. Ҳар юрт ўз иқлими ва бошқа шароитларига қараб, балоғат ёшини белгилайди. Ана ўша ёшдан шариат таклифларига амал қилиш бошланади. Жумладан, намоз ўқиш ҳам фарз бўлади. Балоғатга етиб туриб, намоз ўқимаган шахс эса шаръий жазога лойиқ деб ҳисобланади.

Аmmo бу балоғат ёшига етгунча намоз ўқиб бўлмайди, дегани эмас. Балки балоғат ёшига етганда намоз ўқишга қийналмаслик учун ёшлиқдан ўқиб-ўрганиб бориш зарур бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.